| ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ | |
|---|---|
| Тўлиқ: | «DORI-DARMON» Акциядорлик компанияси |
| Қисқартирилган: | АК «DORI-DARMON» |
| Биржа тикерининг номи:* | DDAK |

| 2. | АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ | |
|---|---|---|
| | Жойлашган ери: | Тошкент шахри, Чорсу майдони, 21 |
| | Почта манзили: | 100021, Узбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Чорсу майдони, 21 |
| | Электрон почта манзили:* | office@doridarmon.uz |
| | Расмий веб-сайти:* | www.doridarmon.uz |

| 3. | МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ | |
|---|---|---|
| | Муҳим фактнинг рақами: | 08 |
| | Муҳим фактнинг номи: | Ижроия органи таркибидаги ўзгаришлар |

шахснинг ваколати тугатилган ҳолларда

| № | Шахснинг Ф.И.Ш. | Лавозими | Тегишли акцияларнинг сони ва тури | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Мухамедова Саида Казимовна | Бош ҳисобчи | - | - |

шахс сайланган (тайинланган) ҳолларда

| № | Шахснинг Ф.И.Ш. | Лавозими | Тегишли акцияларнинг сони ва тури | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Зокиров Шерзод Зокирович | Бош ҳисобчи | - | - |

| | |
|---|---|
| Кўрсатилган ўзгартиришлар тўғрисида эмитентнинг қарор қабул қилган органи: | Акциядорларнинг умумий йиғилиши |
| Қарор қабул қилинган сана: | 03.06.2016 |
| Баённома тузилган сана: | 13.06.2016 |
| Бошқарув органи баённомасидан кўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари** | Илова қилинади |

Ўзгаргандан сўнг ижроия органининг таркиби

| № | Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи | Лавозими | Тегишли акцияларнинг сони ва тури | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Камилов Абдугани Абдурахманович | Бошқарув раиси | 1200 | Оддий |
| 2. | Насретдинов Саидвали Саиднабиевич | Бошқарув раиси ўринбосари | 21587 | Оддий |
| 3. | Камилов Абдугани Абдунабиевич | Тижорат бўйича директори | 3514 | Оддий |
| 4. | Разаков Илес Жабарович | Моддий-техника таъминоти ва транспорт бўйича директор | 16722 | Оддий |
| 5. | Ходжиметов Окил Нугмонович | Фармацевтика назорат бошқармаси раҳбари | 16722 | Оддий |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 6. | Зокиров Шерзод Зокирович | Бош ҳисобчи | - | - |
| | 9. | Рузиева Умида Бобоколоновна | Бўлим бошлиғи | 15500 | Оддий |

**Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:** **Камилов А.А.**

**Ф.И.О. главного бухгалтера:** **Зокиров Ш.З.**

**Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:** **Назаров З.З.**

**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**
**1-СОН БАЁННОМАСИДАН**
**КЎЧИРМА**

**Тошкент шаҳри** **2016 йил 3 июн**

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси Бош офиси, Чорсу майдони, 21.**

Акциядорларни рўйҳатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйҳатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00.**

Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони **- 20 072 000.**

АК «DORI-DARMON» акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) Компания Кузатув кенгаши томонидан 2016 йил 14 майда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – **2016 йил 30 май.**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 77-моддаси ҳамда Компания Уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши раиси акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Йиғилишни Компания Кузатув кенгаши раиси Ш.А. Вафаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси У.М.Юлдашевга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2016 йил 30 май ҳолатига шакллантирилган «DORI – DARMON» Акциядорлик компанияси акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 2 549 та акциядорга тегишли 20 072 000 дона акциялар қатнашиши мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 16 595 583 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 59 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 82,68% ни ташкил этади.

Шундан кейин, Раисилик қилувчи Ш.А. Вафаев ҳисобот умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. Ш.А. Вафаев 3 (уч) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. Ш.А.Вафаев– Кузатув кенгаши раиси;
2. Д.Б.Шагазатов – Давлатнинг ишончли вакили;
3. А.А. Камилов– Компания Бошқарув раиси.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Ш.А.Вафаев– Кузатув кенгаши раиси;
2. Д.Б.Шагазатов – Давлатнинг ишончли вакили;
3. А.А. Камилов– Компания Бошқарув раиси.

Шундан сўнг, раислик қилувчи Ш.А. Вафаев Йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, З.З. Назаровни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш котиби этиб, З.З. Назаров тасдиқлансин.

Шундан кейин, раислик қилувчи Ш.А. Вафаев Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.А.Вафаев Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

10. **Компания бошқарув раисини сайлаш (у билан тузиладиган мехнат шартномани бир йилга узайтириш).**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, мухокамага ўтилди.

***Кун тартибидаги 10-масала юзасидан*** Кузатув кенгаши раиси Ш.А. Вафаев сўзга чиқиб, Компания Кузатув кенгаши тавсиясига мувофиқ ва Давлат активларини бошқариш марказининг тегишли кўрсатмаси асосида, Компания бошқарувининг 2015 йилда эришган ижобий натижаларини, шунингдек 2015 йил учун тасдиқланган бизнес режа кўрсатгичларини ошиғи билан бажарилганлигини ҳисобга олиб, бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахмонович билан тузиладиган шартномани бир йилга узайтириш масаласини акциядорлар умумий йиғилишига таклиф қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги масала овозга қўйилди:

1. Компания бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахманович билан тузилган меҳнат шартномаси бир йилга узайтирилсин.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдор– 16 581 982 та овоз, 99,918%,

Қарши– 0 та овоз.

Бетараф– 0 та овоз.

Акциядорлар умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:**

1. Компания бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахманович билан тузилган меҳнат шартномаси бир йилга узайтирилсин.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Ш.А.Вафаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2016 йил 13 июн куни икки нусхада тузилди.

**Йиғилиш раиси** _______________ **Ш. Вафаев**

**Баённома юритувчи:** _______________**З.Назаров**

**"DORI-DARMON"Акциядорлик компанияси**

**Кузатув кенгаши мажлисининг**
**16/8-сон БАЁННОМАСИдан**
**КЎЧИРМА**

Тошкент шаҳри 2016 йил 3 июн

Мажлиснинг ўтиш жойи: «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси, Т.Шевченко кўчаси, 42а уй.

**Кузатув кенгашининг қуйидаги аъзолари қатнашди:**

- Аминов Рустам Анварович;
- Вахпиев Юнус Сулайманович;
- Липатов Аваз Ашрапович;
- Миралиев Алишер Эркинович;
- Мустафаев Зафар Бурибаевич;
- Рахматуллаев Бекзод Ражапбоевич;
- Тошмуродов Шухрат Маматкулович;
- Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич;
- Шагазатов Дониёр Бахтиярович.

**Кворум:** 100,0 %.

**Мажлис раиси:** Ш. Вафаев

**Котиб:** З.Назаров

**Таклиф этилганлар:**

А. Камилов – «DORI-DARMON» АК Бошқарув раиси;

С.Насретдинов– «DORI-DARMON» АК бошқарув раиси ўринбосари;

И. Разаков- «DORI-DARMON» АК молия бўйича директор.

**КУН ТАРТИБИ**

2. Компания бошқарув аъзоларини сайлаш (улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларни тузиш ва бир йилга узайтириш) *(маърузачи Ш.М. Тошмуродов).*

**КУН ТАРТИБИНИНГ МУҲОКАМАСИ.**

***2. Кун тартибидаги 2-масала юзасидан*** Кузатув кенгаши аъзоси Ш.М. Тошмуродов сўзга чиқиб, “DORI-DARMON” АК акциядорларининг

2016 йил 3 июндаги қарорига асосан Компания бошқарув раиси сайланганлигини маълум қилди.

Компания уставига кўра, бошқарув аъзоларини сайлаш Кузатув кенгаши ваколатига кириши сабабли ва Давлат активларини бошқари марказининг тегишли кўрсатмаси асосида, Компания бошқарув аъзоларининг 2015 йилда эришган ижобий натижаларини, шунингдек 2015 йил учун тасдиқланган бизнес режа кўрсатгичларини ошиғи билан бажарилганлигини ҳисобга олиб, бошқарув аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномаларни бир йилга тузиш ва узайтириш масаласини таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги масала овозга қўйилди:

1. Компания бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари тузилсин ва бир йилга узайтирилсин.

2. Компания бошқарув аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Насретдинов Саидвали Саиднабиевич – бошқарув раиси ўринбосари
- Разаков Илез Жабарович – модий-техника таъминоти ва транспорт бўйича директор;
- Камилов Абдугани Абдунабиевич – тижорат бўйича директор;
- Ходжиметов Оқилжон Нигманович - ички фармацевтик назорат бошқармаси бошлиғи;
- Зокиров Шерзод Зокирович – бош бухгалтер;
- Рузиева Умида Бабакалоновна - ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи.

Овоз бериш натижалари:
**Тарафдор – 9, Қарши – 0, Бетараф – 0**

## КЕНГАШ ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Компания бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари тузилсин ва бир йилга узайтирилсин.

2. Компания бошқарув аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Насретдинов Саидвали Саиднабиевич – бошқарув раиси ўринбосари
- Разаков Илез Жабарович – модий-техника таъминоти ва транспорт бўйича директор;
- Камилов Абдугани Абдунабиевич – тижорат бўйича директор;

- Ходжиметов Оқилжон Нигманович - ички фармацевтик назорат бошқармаси бошлиғи;

- Зокиров Шерзод Зокирович – бош бухгалтер;

- Рузиева Умида Бабакалоновна - ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи.

**Котиб:** _______________З.Назаров

**Кузатув кенгашининг аъзолари:**

Ю. Вахпиев _______________________

А.Липатов _________________________

А. Миралиев _______________________

З. Мустафаев _______________________

Б. Рахматуллаев _____________________

Ш. Тошмуродов _____________________

С.Убайдуллаев ______________________

Н.Хусанов ______________________

**Таклиф этилганлар:**

| ______________ | ______________ | _______________ |
|---|---|---|
| А. Камилов | С.Насретдинов | И.Разаков |